




Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON O'VOZI

2013-yil, 16-noyabr. Shanba • 137 (31.727)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!



ТОШКЕНТ — ДУНЁНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲРИ

Дунёда шаҳарлар кўп, бири-бирдан зиёда. Бироқ шундай шаҳарлар борки, улар фақат ўзигагина хос кўрку таровати, ноёб хусусиятлари билан эътиборни тортади. Ўзбекистонимиз пойтахти бўлмиш Тошкент — ана шундай бетакрор шаҳар. Тўғри, ҳар кимнинг она Ватани ўзига азиз ва қадрли. Лекин худди Тошкентдагидек тарих ва бугунни ўзида намоянча этган шаҳарни топиш қийин.

Дунёнинг исталган бурчагига бординг, бинолари осмонга бўй чўзган номдор шаҳарлар кўчаларини айланинг, Тошкентдагидек ажиб бир осудалик ва меҳри, бағрикенгликни ҳис этиш қийин. Шунданми, Тошкентга бир келган одам яна келишни ният қилади.

Одамзод ҳам, ҳатто қушлар ҳам тинч жойга, яхшилик кўрган жойга интилади. Тошкентга лайлақлар қайтгани ҳам шундан аслида. **Хастимом миноралари узра улар қанот қоқадди. Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркасида Лайлак ва турналар, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи гўмбазидан**

узра яна турналар...

Вакт ўтган сайин одамлар ҳам, ҳаёт ҳам, шаҳарлар ҳам ўзгариб бораверади. Бугунги Тошкент кечаги Тошкент эмас. Кўчадан — Кўйликкача, Юнусободдан — Дўмбрободгача кезиб чиққан одам мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорликларни хотирасига сиғдиришмайди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилган беқиёс ишлар туфайли пойтахтимиз қиёфаси тамоман ўзгарди.

Бугунги кенг ва раvon кўчалар илгари қандай аҳволда эди? Ҳозирги мухташам бинолар ўрни-

да нималар бор эди?.. Пойтахтимиз марказида, Амир Темури хибонининг кунчиқар томонидан қад ростлаган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини олиб кўрайлик. Эрта тонгда кўёш гўёки шу бино узра шаҳарга нур таратиб тургандек бўлади. Тунда эса шаҳар бағри — гўё юлдузлар чарақлаган осмон. Бу бино тўлиқ ой мисол шаҳарни ёритиб туради.

Бундан атиги бир-икки йил илгари Алишер Навоий шох кўчасининг Абай кўчаси билан кесишган чорраҳасидан Хадра майдони томон юрсангиз, чап томонда нималарни кўрар эдингиз? Буни ҳамма билади. Уша савдо дўкончалари ўрнида бугун замонавий, мухташам, меъморий жиҳатдан ўзига хос турар-жойлар бунёд этилди. Унинг ёнидан ўтган ҳар бир ҳаётимиз кўкси беихтиёр фахр-ифтихор туйғусига тўлади.

Шу ўрнида айтиб ўтиш керакки, мустақиллик даврида ҳам Тошкент пойтахт сифатида тилга олинardi. Аслида эса республика бошқарув идоралари жойлашган марказ эди, холос. У ҳеч қандай ваколатга, мақомга эга эмасди.

Бугун Тошкент — ҳақиқий маъ-

Ҳурматли газетхон!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» рукни остида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотларга, буюк бунёдкорликларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.

Бугунги мақоламиз пойтахтимиз Тошкентга бағишланган.

нода Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. Бугун бу ерда олти мишдан ортиқ элчигона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган.

Тошкент халқаро аэропортидан дунёнинг 40 дан зиёд шаҳрига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари парвоз қилмоқда. Мамлакат келажаги, тақдири би-

лан боғлиқ қонунлар, қарорлар Тошкентда қабул қилинмоқда...

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Тошкентни «Тинчлик элчиси» шарафли номига муносиб кўрган, «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилингани замирида ҳам олам-олам маъно бор.

(Давоми 2-бетда.)

ШОН-ШАРАФ



ва ғурур
ТИМСОЛИ

3

ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ

КОМИССИЯСИ



томонидан матбуот
анжумани ўтказилди

4

Конституция —
бахтимиз қомуси

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ

муштаҳкам
ҳуқуқий асоси



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент давлат иқтисодийёт университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Ахборот олиш имкониятлари кенгайиши

давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари фаолияти очиклиги,
фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоли-
лиги ошишига хизмат қилади



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг
Тошкент шаҳрида 1300 дан зиёд бошланғич ташки-
лоти, 33 мингдан кўпроқ аъзоси бор. Халқ депутат-
лари Тошкент шаҳар Кенгашида партиямиздан сай-
ланган 16 нафар депутат фаолият юритмоқда.



O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Келгуси сонларда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Мафқуравий тарғибот ишларини олиб боришда тарғиботчилар фаолиятини такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбир тафсилотлари билан
газетамизнинг кейинги сонлари-
дан бирида танишасиз.

ТОШКЕНТ — ДУНЁНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ ШАҲРИ

ТОШКЕНТНИ ЧИН
ДИЛДАН СЕВГАН ИНСОН
ТОШКЕНТГА ШУНДАЙ
МЕҲР ВА ЭЪТИБОР
КЎРСАТАДИ

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, Тошкентда ҳам ўқир ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолгандики, уларнинг ечими йўқдай туюларди. Чунки бири-бири билан боғлиқ бу масалаларни ҳал этиш учун жуда катта маблағ талаб этиларди. Бундай маблағни собиқ марказдан сўрашга ҳеч ким журъат этмасди. Одамлар эса ноилоҳ тақдирга тан бериб яшаб келарди. Кўплаб микроай-онлар одамларнинг ҳаётини манфаатлари ҳисобга олинмай барпо этилган эди. Болалар богчаси, поликлиника, савдо марказлари, маиший объектлар, спорт майдончалари қуриш, кўкаламзорлаштириш тўғрисида ўйланма-ганди. Шаҳар марказида санат корхоналари, арок, пиво, чарм-мўйна за-водлари қурилган бўлиб, Тошкентнинг қадим қиёфасини ўзгартириб, хунук кўринишга олиб келган, об-хавосига ҳам жиддий путур етказган эди.

Республикамизнинг янги раҳбари Ислон Каримов ана шундай бир пайт-да, аниқроғи, 1990 йил январь ойида Тошкент шаҳар фаоллари йиғилиши-да кўпчилик учун қўйилмаган нутқ сўзлади. Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантириши-миз керак, деган масалани кун тар-тибига қўйди.

Эски шаҳарнинг тор, хароба, қулба уйларида зич яшаб келаётган оила-ларни уй-жой билан навбатдан таш-қари таъминлаш кераклиги тўғриси-да кўрсатма берилди. Маҳаллаларга газ, сув олиб келиш, йўлларни ке-нгайтириш, таъмирлаш, шаҳар мар-казидан 70 дан кўпроқ корхона, омбор-хона, автобазалари шаҳар ташқари-сига кўчириш бошланди.

Шу пайтгача ҳеч ким Тошкентнинг тақдирини, келажагини ўқини тарихий аҳа-ми-ятга эга бўлган бундай қадамни қўй-ма-ган эди. Ҳеч ким Эски шаҳар аҳоли-си дардини шунчалик ўзига яқин ол-ма-ган ва улар учун қайғурмаганди. Ушун-дан ҳали биз ўзгаларга қарам эдик, ўз хоҳишимиз билан қарор қабул қилиш-га ҳаққимиз йўқ эди.

Шоиноят ШОАБДУРАХИМОВ,
меҳнат фахрийси, «Буюк хизмат-лари учун» ордени соҳиби, ЎзХДП аъзоси:

— Ислон Каримов ўтказган ўша йи-гилишда мен ҳам қатнашганман. У даврларда Ўзбекистон смета қийма-ти 1 миллион сўмгача бўлган бинони ўзи қуриши мумкин эди. Ундан у ёнига ҳаққимиз йўқ эди. Собиқ Марказга бо-риб сўраларди. Мен Тошкент Темирийўл вокзали ёнида оддий бир меҳмонхонани қурдиришга рухсат олиш учун Марказга бориб, 15 кун қолиб кетганман. Унисига, бунисига ялиниб юрагим қон бўлган.

Ана шундай шароитда республика раҳбари Тошкент шаҳри аҳолиси ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича қарор қабул қилди. Айниқса, Эски шаҳарни обод қилиш, аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, маҳаллаларга сув-газ олиб бориш, канализация ўтказиш масаласи қатъий қўйилди. Ўша пайтда Эски шаҳарда одамлар жуда зич яшарди, ҳеч қандай шаро-итга эга бўлмаган тор ховлиларда икки-уч оила тикилиб кун кўрарди, неча юз хонадон янги уйлارга кўчи-рилди. Эсимда, Президент топири-ғига кўра, Қорасарой ва Сағбон кўча-ларини кеңгайтириш мақсадида бу-зиладиган эски уйлاردан бирида жами 24 киши яшаганини кўрганман.

Ўша 1990 йилда айtilган гаплар босқичма-босқич, изчил амалга оши-риб келинмоқда. Эски шаҳарда кўплаб замонавий уйлар, равон йўллар бар-по этилди. Эски Жўвадаги «Гулистон» ресторани ўрнида Болалар ижод уйи, босмахона ўрнида бошқа замонавий бинолар қад ростлади. Қанчалаб ти-биёт масканлари, спорт майдонлари қурилди. Эски Жўва бозори қайтадан қурилди.

Ўзим темирийўлчи бўлганим учун яна бир мисол келтирай. Мустиқлиги-нинг 22 йиллиги арафасида «Ўзе-кистон темир йўллари» компанияси-нинг Қуюв механика заводи рекон-струкция қилинди. Энди темирийўл учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар шу ерда ишлаб чиқариладиган бўлди. Били-шимча, 167 турдаги санат маҳсуло-лари маҳаллийлаштирилди. Вагонлар Германиядан олиб келинарди, энди ўзимиз қураёмиз.

Тошкентга тўрт-беш йил илгари келган меҳмонлар бугун уни тани-май қолдик, дейишяпти. Бунинг ўзим ҳам бошимдан ўтказдим. Бе-туб бўлиб, бир йил шаҳарга қим-мадим. Яқинда шаҳар марказидан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эски шаҳар томон ўтдим. Ён-а-рофимдаги ҳашаматли биноларни кўриб, кўзларимга ишонмадим. Мен, Тошкентни яхши биладиган одам, қайси кўчадан кетаяпмиз, деб ўғлимдан сўрадим.

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ
ЯНГИ ҲАЁТИ

Мустиқлик йилларида Тошкентда олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетганда, Эски шаҳар ҳақида алоҳида тўхталмай ўтиб бўлмайди.

— Шу йил 31 август куни «Шаҳид-лар хотираси» майдонида бўлган ма-росимда Президентимиз билан суҳ-батлашдим, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Оқлон маҳалла фуқа-ролар йиғини фаоли, ЎзХДП аъзо-си Шўҳрат АЗИМОВ. — У киши, энг аввал, маҳалла тинчми, нима муа-момлар бор, деб сўради. Сўнгра кол-леж битиручиларининг қанчаси ишга жойлашган, тўй-ҳашамлар қандай ўтаётгани, ёшлар спорт билан шуғу-ланиши учун шароит бор-йўқлиги би-лан қизиқдилар. Суҳбат давомида шунинг аниқлиги, Президентимиз пойтахтимиз келажагига, Эски шаҳар аҳолиси турмушига алоҳида эъти-бор билан қарар эканлар.

Тўғриси, бир пайтлар Тошкент ик-кига бўлиниб қолган эди. Эски ша-ҳарга иккинчи даражали ҳудуд сифа-тида қараларди. Шунинг оқибатида йиллар давомида кўплаб муаммолар тўпланиб қолганди.

Бир пайтлар шароитимиздан нолиб юрган бўлсак, бугун Эски шаҳарга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан фаворитамиз. Яқинда Хадра майдон-ида қилинган ишларни қаранг. Бе-тон-асфальт қопланган майдон ўрни-да яшил ҳудудлар ташкил этилди. 12 метр баландликдаги рангли фаввора барпо этилди. Навоий шоҳқўчасида узунлиги 46 метрли ер ости йўлаги қурилди.

Кўп раҳбарларни кўрдик, Тош-кентда бирорта йўл ёки кўприк қурдирмай, ўзидан из қолдирмай ўтганлари бўлди. Президентимиз-нинг ташаббуси билан амалга оширилган бу ишлар эса ўз йил-да ҳам қилинмаган эди. Мен шун-дай хулосага келаман, халқни уй-лаган инсон буюк ишларга қодир бўлади.

ОБОД ТУРМУШ
КАФОЛАТИ

Катта шаҳарнинг режалари ҳам кат-та бўлади. Бугун Тошкент аҳолиси 3 миллиондан кўплигини, бу ерда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишини ҳисобга олиб фикрлайдиган бўлсак, иш ўринлари яратишдан тортиб, одамларни уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаш, улар-нинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш катта маблағ, катта меҳнат ҳамда эътибор талаб этади.

Мустиқлик йилларининг сарҳисо-бига қаралса, Тошкент аҳолисининг турмуш шароити кўрсаткичлари йил-дан-йилга юксалиб бораётганини кўриш мумкин. Жорий йилда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар буни яна бир бор исботлаб турибди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантиришнинг 9 ойлик яку-ларига бағишланган фаоллар йиғили-шида шаҳар иқтисодиётида изчил ўсиш суъратлари таъминланиб, ялпи ҳуд-дий маҳсулот ўтган йилнинг шу даври-га нисбатан 108,0 фоизга ўсгани таъ-кидланди. Санат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 112,5, истеъмол товар-лари ишлаб чиқариш 110,3, пудрат қурилиш ишлари 110,2 фоизга оши-риб бажарилишига эришилди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бан-длигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва тадбирлар доирасида жами 120 мингдан ортиқ иш ўринла-ри яратилиб, белгиланган мақсадли кўрсаткичлар 108,1 фоизга бажари-лди. Бандлик дастури доирасида эса 63 минг 575 иш ўрни ташкил этилиб, режа 101,1 фоизга адо этилди.

ЎзХДПнинг ПОЙТАХТ
ТАРАҚҚИЁТИДА ЎЗ
ЎРНИ БОР

Пойтахтимизни ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш, аҳоли бандли-гини таъминлаш, турмуш фаровонли-гини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий мада-ниятини юксалтиришда сиёсий партияларнинг ўз ўрни бор. Бу бора-да ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашида-ги депутатлик гуруҳининг амалий иш-лари алоҳида эътироф этиб келина-ётганини таъкидлаш жоиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда пойтах-

тимизда партияимизнинг 1300 дан зиёд бошланғич ташкилоти, 33 минг-дан кўпроқ аъзоси бор. Халқ депу-татлари Тошкент шаҳар Кенгашида партияимиздан сайланган 16 нафар депутат фаолият юритмоқда.

ЎзХДП Тошкент шаҳар ташкилотла-ри асосий эътиборни аҳолининг иж-тимоий ёрдамга муҳтож қатлами ман-фаатини ҳимоя этишга қаратиб кел-моқда.

— Биз партияимиз Сайловолди плат-формасидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битиручиларини ўз ихтисослиги бўйича ишга жойлаштириш масалаларини устувор вазифаларимиз, деб ҳисоб-лаймиз, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депу-татлари шаҳар Кенгашидаги депу-татлик гуруҳи раҳбари Учқун ШОЙИМҚУЛОВ. — Жорий йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессияларига учта масала олиб чиқилди. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари бўйича Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқар-масининг ҳисоботи тингланди. Бу бо-радаги ишларни янада кучайтириш юзасидан сессия қарори қабул қилин-ди. Бандликка қўмаклашиш ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш мар-казлари томонидан корхона ва таш-килотлардаги бўш иш ўринлари аниқ-ланиб, касб-ҳунар коллежлари бити-рувчилари бандлигини таъминлаш ишлари изчил олиб борилди.

Депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари фаолиятининг са-марадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тошкент шаҳрида автомобилотранспорт сақлаш қурилмаларини ободонлаштириш ва шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ тартибга солиш тўғрисида»ги маса-лалар ҳам сессияда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенатининг «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дасту-ри тўғрисида»ги қарори ижросига ба-ғишланган масала ҳам сессия кун тар-тибига олиб чиқилди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарининг ҳисоботи тингланди.

Пойтахтимиз аҳолиси, айниқса, партияимиз электорати муаммолари-ни ўрганишда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ҳамоатчилик қабулхонаси-нинг аҳамияти катта бўлмоқда. Жо-рий йилнинг ўтган ойлари мобайнида моддий кўмак, уй-жой коммунал хиз-мати, ишга жойлаштириш, тиббий ва транспорт хизмати каби масалалар бўйича 250 дан зиёд муҳожат бўлган. Уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилган. Де-путатлик гуруҳи аъзолари томонидан аҳоли муҳожатлари ва жойлардаги муаммолар бўйича мутасадди ташки-лотлар раҳбарларига 34 та депутат-лик сўрови юборилган. Мазкур сўро-ларга тегишли тартибда жавоблар олин-иб, депутатлик гуруҳи ҳамда до-имий комиссиялар йиғилишларида муҳокама қилинаёпти.

ТОШКЕНТ — СПОРТ
ШАҲРИ

Мустиқлик йилларида Тошкент ҳақиқий маънода спорт шаҳрига ай-ланди. Халқаро талабаларга жавоб бе-радиган юзлаб спорт иншоотлари барпо қилинди. «Бунёдкор» стадиони эса муъжизанинг ўзинаси экани эъти-роф этилмоқда.

Бугун Тошкентда йирик халқаро му-собақалар, Осиё ва жаҳон чемпио-натлари ўтказилмоқда. Шунинг алоҳи-да таъкидлаш керакки, пойтахтимизнинг ҳар бир туманида, айниқса, Юнус-обод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Чилонзор туманларида ўнлаб мини футбол, теннис, баскетбол майдон-чалари бунёд этилди. Энди тасаввур қилиб қўрайлик, ҳар кун неча юз ёки минг бола бу спорт майдончаларида шуғулланмоқда. Болаларни жисмоний чиниктириш, уларда спорт билан му-таазам шуғулланиш кўникмасини ҳосил қилишда бу майдончаларнинг аҳа-ми-ятини нима билан ўлчаб бўлади?

Обод турмуш йилида пойтахтимиз-да яна 80 дан зиёд спорт майдонча-си қурилмоқда. Шундан 77 таси мини футбол майдончаларидир.

СЕҲРЛИ, МЕҲРЛИ
ШАҲАР

Инсон ўз ҳаёти давомида кўп мақ-товлар эшилтади. Шахсий ютуқларин-ни, ҳовли-жойинини мақташади. Аммо уларнинг мингтаси Ватанинг, она шаҳ-ринг ҳақидаги бир оғиз яхши гапга

ОЛИЙ МАЖЛИС
СЕНАТИ БИНОСИ

арзимайди. Чунки юртга дахлдор гап-лар миллий гуруҳ билан боғлиқ бўла-ди.

Турли замонларда Тошкентга кўплаб таърифлар берилган. Лекин бугунги эътирофлар бошқача.

Собир РУСТАМХОНЛИ,
Озарбайжон халқ ёзувчиси,
Озарбайжон Миллий Мажлиси
депутати:

— Тошкентга ҳар келганимда Мус-тақиллик майдонини айланаман. Ушбу майдон — Ўзбекистон Мустиқлиги-нинг рамзи. Хотира майдонида эса узоқ ҳаёлга чўмдим, қаттиқ таъсир-ландим. Мотамсаро она хайкали, Ик-кинчи жаҳон уруши қурбонларининг исми ёзилган рамзий китобларни кўриб, ўз ота-боболари хотирасини ҳурматлаган халқингизга меҳрим я-нада ошди.

Тошкент — озода шаҳар. Энг асо-сийси, бу ерда тинчлик ҳукмрон. Тош-кент — шаҳрининг ўзига халқингиз-миз-навияти нақадар юксаклигини намо-ён этиб турибди.

Питер КЭМПБЕЛ,
Германия ва Ўзбекистон
молиявий ҳамкорлиги доира-сида фаолият кўрсатаётган
«Соғлиқни сақлаш: репродук-тив саломатлик — аналик ва болаликни муҳофаза қилиш»
дастури раҳбари:

— Тошкент — катта шаҳар. Берлин ёки Лондонда кўпинча машиналар тирбандлигидан азият чекамиз. Тош-кентда эса йўллар кең. Бу шаҳар ин-фратузилмасида ҳамма томон ҳисоб-га олинганлигини кўрсатади.

Мустиқлик майдонида кўп бўла-ман. Она ва болага ўрнатилган ҳай-кал — ўзбек халқи қалбининг ифода-си. Ўзбекистонда нафақат оналар, балки давлат ва Президент ҳам бо-лаларни бағрига босиб асрамоқда, тарбияламоқда.

Дилшода ОРТИҚБОЕВА,
Саъди Сирожиiddinov
номидаги академик лицей
ўқувчиси,
47-Менделеев халқаро
олимпиадаси ғолиби:

— 2013 йилнинг апрель ойида Тош-кентда ўтказилган халқаро олимпиа-да пайтида хорижлик ўқувчилар пой-тахтимизни катта қизиқиш билан то-моша қилишди. «Тошкентни бунчалик чиройли деб ўйламагандик» деганлар кўп бўлди.

Ҳозир ҳам олимпиадада дўстлаш-ган тенгдошларим билан интернет ор-қали суҳбатлашиб тураман. Улар га-пи «Гўзал Тошкентда ҳаммаси жойи-дами?» деб бошлашади. Мен ана шун-дай гўзал, файзли шаҳарда яшаётган-нимдан фаворитаман...

Ҳа, шундай, Тошкентдек пойтахти-миз борлигидан ҳар биримиз гурур-ланамиз. Тошкент — нафақат фай-зли, тароватли шаҳар, айтиш керакки, мам-лакатимиз тараққиётида бекиёс ўрин тутган шаҳар. 1991 йил 31 август куни Президентимизнинг Мен шу бугун-дан эътиборан 1 сентябрни рес-публикамизда Мустиқлик кунини, умумхалқ байрами деб эълон қилишни тақдир этганим, деган та-рихий сўзлари ҳам айнан Тошкентда янграган эди.

Шунинг ўзиёқ Тошкент улуг ва азиз шаҳарлигини билдиради. Тошкент — бугун дунёнинг давлат ва сиёсат ар-боблари таърифлаётганидек сеҳрли, меҳрли шаҳар. Дунёнинг энг гўзал шаҳри!

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.



ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



АЛИШЕР НАВОЙЙ КЎЧАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

ЮНУСОБОД ТУМАНИ «МУСТАҚИЛЛИК» МАҲАЛЛАСИДАГИ
МИНИ ФУТБОЛ МАЙДОНЧИСИДА

«БУНЁДКОР» СТАДИОНИ



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК ҚҮОВ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

(Ушбу оғиз суратлар.)

19 ёшдан 22 ёшгача бўлган 36 фоиз ҳомиладор оналарда асабийлик кузатилган бўлса, 23 ёшдан 28 ёшгача бўлган оналарда бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этган. Демак, катта ёшдагилар ҳаётга босиқлик ва мушоҳада билан муносабатда бўлиши уларни асабийликдан асрайди.

Олий аттестация комиссияси

томонидан матбуот анжумани ўтказилди

Миллий матбуот марказида



Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдори ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича бир поғонали тизимни ислоҳ қилиш ҳамда жорий этиш ишлари нҳоясига етказилганини алоҳида таъкидлаган эди.

— 2013 йилдан бошлаб юртимизда халқаро стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди, — дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси Файрат Баҳоди-ров. — Барчамизга яхши маълумки, илгари бу жараён икки босқичдан иборат эди. Ушбу ислохотлар Президентимизнинг 2012 йил июль ойида қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони асосида амалга оширилди. Унга мувофиқ, юртимизда стажёр-изланувчи-тадқиқодчи институтларида илмий иш қилаётган ёш олимлар аттестациядан ўтказилди, уларнинг мавзулари экспертиза

қилинди. Докторлик илмий даражаси талабларига жавоб берганлари катта илмий ҳодим институтларида ўтказилди. 2012 йил декабрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга қўра, ОАКнинг янги тузилмаси ҳамда низоми тасдиқланди. Тадқиқотчиларнинг мавзусини тасдиқлашдан олдин уларнинг илмий ва илмий-педагогик лаёқатини тест синовлари бўйича аниқлаш тизими йўлга қўйилди. «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар иқтисодиклари рўйхати»нинг янги тахрири ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Докторлик диссертациялари мавзуларини рўйхатдан ўтказиб, «ОАК Бюлетени» журналида эълон

қилиш ташкил этилди. Фан доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация тўғрисидаги эълон Олий аттестация комиссиясининг веб-сайтида ва бюллетенида эълон қилинади. Ҳимоядан олдин диссертациянинг автореферати уч — ўзбек, инглиз ва рус тилларида тайёрланади ва тадқиқотчи фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртининг веб-сайти ва Ziyonet тармоғига жойлаштирилади.

Тадбирда таъкидланганидек, айти кунга келиб докторлик илмий даражасини берувчи 40 та илмий кенгаш тузилди. Улардан 31 таси етакчи олий таълим, 9 таси эса илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият бошлади.

— Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар таркиби 11 кишидан 21 кишигача этиб тасдиқланган, — дейди Олий аттестация комиссияси Бош илмий котиби Асқарали Даминов. — Уларнинг ҳар бири 4 тагача иқтисодик бўйича докторлик диссертацияларини кўриб чиқади. Шу илмий кенгашлар ҳузуридаги илмий семинарлар таркиби ҳам шакллантирилди. Ушбу кенгашлар зарурий техника билан таъминланди, ҳар бирининг интернет-да ўз веб-сайти бор. Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида эълон берилиши лозим бўлган республика газеталари рўйхати тасдиқланди. Докторлик диссертацияси ҳимоясидан бир ой олдин унинг қаерда ўтказилиши ҳақидаги хабар «Халқ сўзи», «Народное слово», «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» каби газеталарда чоп этилади.

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги фильм

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Виждон» бадиий фильмининг намоиши бўлиб ўтди.



«Виждон»

— маҳалла фидойиларига бағишланган фильм

Мазкур фильмин суратга олишда аҳил ижодий жамоа меҳнат қилди: постановкачи режиссёр Аҳмаджон Умаров, постановкачи оператор Бахтиёр Раҳмонов, постановкачи расм Алишер Умаров.

Кинокартинада маҳалладаги ижтимоий муносабатлар, ободонлаштириш ишлари, болалар спортини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ масалалар ақс этган. Бу жараёнда маҳалла оқсоқолининг қатъияти, фидойилиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани кўрсатилган.

— «Виждон» картинасининг сценарийини менда катта қизиқиш ва иштиёқ уйғотди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Фильмда маҳалладошлари учун жон қуйдирадиган оқсоқол образини яратишга ҳаракат қилдим. Бундан хабар топан қўшниларини ўзимизнинг маҳаллага ҳам раис бўлинг, дейишди. Бу ҳақда албатта ўйлаб кўрам. Фильмда маҳалла фаолларининг машаққатли меҳнати очиб берилган.

— Доим турли юмушлар билан маҳалла идорасига борамиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муассар Бердикулова. — Шу боис маҳалла ҳаётимизда катта аҳамиятга эга. Фуқаролар муножаатларини ўрганишда масъул котиб муҳим ўрин тутди. Мен ана шундай инсон қиёфасини яратдим. Фильмда тугун, кульминация ва ечим ўзига хос тарқидна берилган. Шунинг учун мазкур картина томошабинларга ҳам маъқул бўлади, деб ўйлайман.

Шахбоз САИДОВ,
ЎЗМУ талабаси.

Теннис

••• Теннис бўйича Алматы шаҳрида ўтказилаётган ITF таснифидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Альбина Ҳабибуллина иштирок этмоқда.

Ҳамюртимиз

бош совринга даъвогар

Ўзбекистонлик теннисчи яккалик баҳсларида бугун финал йўлланмасини қўлга киритиш учун россиялик Алена Тарасовага қарши кўртга чиқади. Шунингдек, Альбина жуфтлик баҳслари финалида Ксения Палкина (Қирғизистон) дуэти Сабина Шарипова (Ўзбекистон) — Камила Каримбаева (Қозғистон) жуфтлигидан 6:4, 6:1 ҳисобида устун келган эди.

Ушбу турнирнинг мукофот жағмараси 10 000 АҚШ доллари-ни ташкил этади.

Дзюдо

••• Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этдилар.

Халқаро турнир

Мазкур халқаро турнирда юртимиз дзюдочиларидан ташқари Россия, Қозғистон ва Тожикистондан жами тўрт юз нафарга яқин спортчи голиблик учун татамида баҳс олиб борди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизмати маълумотларига кўра, қизгин кечган беллашувлар якунида юртдошларимиздан Жавлонбек Ҳамидов, Хуршид Қодиров, Беҳзод Абдурахимов, Комрон Нуруллоев, Сардор Каримов, Давлат Бобонов, Муҳаммадкарим Хуррамов барча рақибларини мағлубиятга учратиби, ўз вази тоифаларида олтин медалга сазовор бўлишди.

Ғанишер ТОҲИРОВ,
«Туркистон-пресс».

Диккат, танлов!

«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларини журналистлари ҳамда фотожурналистлари учун «Жамият ва мен — 2013» танловини ўтказишнинг эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бу борадаги илгор ташаббусларни бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига оид ижодий ишлар қабул қилинади.

ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Танлов қўйидаги 10 та номинация бўйича ўтказилади:

- «Юксак маънавият — жамият пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал;
- «Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида»;
- «Соғлом ёшлар — келажак пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал;
- «Фермерлик: имконият ва истиқболлар» мавзусидаги энг яхши материал;
- «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;
- «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги энг яхши материал;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Тадбир этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқа маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрга қадар қабул қилинади. Танлов голиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган нуфузли тадбирда эълон қилиниб, муносиб тақдирланади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларида иборат нуфузли хайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Голибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади. Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ҳар бир номинация бўйича танлов голиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва улар билан боғлиқ ҳисобот маълумотлар «Жамият ва мен — 2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фондида жўнатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz.

e-mail: info@mmf.uz, fonduz@umail.uz

Ташкил қўмита

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни

очиқ танлов савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокимининг 2012 йил 15 майдаги 534-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Бўстонлиқ тумани ҳокимлигининг 2013 йил 10 октябрдаги 3595/1-9-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан танлов савдосига қўйилмоқда:

Дам олиш оромгоҳи ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда пляж барпо этиш учун Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бўстонлиқ ҚФЙ, «Юсупхона» қишлоғида жойлашган 1,85 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати — 6 958 373 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бўстонлиқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, 2013 йил 16 декабрь кунини соат 18-00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi маблагни закалат қилишувига асосан танлов ташкилотчиси-

нинг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги биносидан 2013 йил 17 декабрь кунини соат 11-00 да очилади. 2013 йил 27 декабрь кунига қадар мазкур ҳокимлик биносидан танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилди.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисида танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртманома билан бирга қўйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси;

— танлов ҳужжатлари талабгорларга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари:

«Tashkent Realtor Service» МЧЖ
х/р: 20208000304876496001
ТИФ Миллий банк Ҳамза филиали, МФО: 00847,
ИНН: 301743808.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона. Тел.: (8371) 147-40-00, факс: (8371) 233-06-59, электрон почта: info@realtorg.uz

Лицензия RR-0008.

ОБ-ХАВО 16-17 — 11. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

0 / +5 +8 / +13

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+2 / +7 +11 / +16

Тошкент, Самарқанд, Жиззах

ҳамда Сирдарё вилоятлари

0 / +5 +13 / +18

Қашқадарё ҳамда

Сурхондарё вилоятлари

+4 / +9 +15 / +20

Андижон, Наманган ҳамда

Фарғона вилоятлари

0 / +5 +13 / +18

Тошкент шаҳри

+3 / +5 +13 / +15

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +10 / +10

Париж +8 / +8

Москва +4 / +7

Мадрид +10 / +10

Пекин +14 / +12

Канберра +17 / +20

Рим +18 / +20

Афина +14 / +13

Токио +16 / +18

Стокгольм +10 / +7

Кейптаун +18 / +21

Қоҳира +25 / +23

Гавана +29 / +29

Вашингтон +16 / +19

МУАССИС:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib boshqaruvchi tashkilotlar

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10438

nuxsada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.50

Topshirilgan vaqti — 02.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2013-0733

1 2 3 5